

Қ А Р О Р

(маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида)

2024 йил июль ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Б.Бердиев, судья ёрдамчиси А.Шодмоновнинг котиблигида, Мирзо Улуғбек туман 1-ИИБ ХПБ профилактика катта инспектори майёр Р.Акрамов ва ҳуқуқбузар **Мирзаев Султан Рустамович**нинг иштирокида, туман ИИО ФМБ 1-ИИБ бошлиғи Ю.Махкамовнинг

Мирзаев Султан Рустамович, 12.10.1980 йил Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республика фуқароси, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Риштон кўчаси, 108в-уй, 7-хонадонда истиқомат қилувчига нисбатан мамурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги тақдимнома юзасидан тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Муқаддам бир неча мартаба судланиб, шундан содир этган жиноятлари таснифига кўра, қасддан ўта оғир турдаги ва оғир турдаги жиноятларни содир этиб судланган Мирзаев Султан Рустамович тайинланган жазоларни ўтагандан кейин ўзига тегишли ижобий ҳулоса чиқармасдан, судланганлик ҳолати тугалланмасдан туриб, яна маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилиб келган.

Жумладан, Мирзаев Султан Рустамович 06.09.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56¹-моддаси билан айбланиб, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми яъни 110.000 (бир юз ўн минг) сўм жарима жазосига тортилган.

Шундан сўнг, Мирзаев Султан Рустамович 12.07.2024 йилда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59²-моддаси 1-қисми ва 185²-моддаси 1-қисми билан МЖТКнинг 33, 34-моддалари тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баравари, яъни 340.000 сўм жарима жазосига тортилган.

Суд мажлисида Мирзаев Султан Рустамович ҳақиқатан ҳам бир йил давомида икки мартабадан ортиқ ҳуқуқбузарликлар содир этиб маъмурий жазога тортилганлигини, маъмурий назорат қоидаларини яхши билишини, ҳозирда қилмишидан пушаймонда эканлигини, бундан кейинги ҳаракати жинойий жавобгарликни юзага келтириши ҳақида ҳам огоҳлантирилганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд, Мирзаев Султан Рустамович билан олиб борилаётган профилактик ишлар ижобий натижа бермасдан, балки у мунтазам равишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилиб келаётганлиги яъни бир йил давомида икки мартаба ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги сабабли келгусида ижтимоий хавфли жинойий ҳаракатлар содир қилиб қўймаслиги мақсадида унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиб, унинг турмуш тарзини



ва ҳулқ-атворини Ички ишлар идоралари назорат қилиб бориши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” 352-сонли Қонунининг 6-моддасини қўллаб, судья

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБ 1-ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” Қонунининг 6-моддасига асосан **Мирзаев Султан Рустамович**га нисбатан 6 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин.

Мирзаев Султан Рустамовичга нисбатан тайинланган маъмурий назоратни амалга ошириш Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Маъмурий назоратни ўташ даврида Мирзаев Султан Рустамовичга қуйидаги чекланишларга риоя қилиниши шартлиги белгилаб қўйилсин:

Тошкент шаҳри ҳудудидан туман ИИО ФМБ идорасининг рухсатисиз чиқиш қатъиян ман қилинсин;

Яшаш жойидан соат 22:00 дан 06:00гача ташқарига чиқиш ман қилинсин;

Ҳар ойда рўйхатдан ўтиш учун бир марта Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБга келиб, рўйхатдан ўтиб туриш белгилансин;

Мирзаев Султан Рустамовичга муайян жойларга, жумладан кафе, бар, спиртли ичимликлар реализация қилиш жойларига бормаслик (ишхонаси бундан мустасно) ва алкогольли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш юклатилсин.

Қарордан норози томон ўн сутка муддат ичида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Б.Бердиев

қарор нусхаси аслига тўғри:

